

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили”га
бағишланган иқтидорли талаба-
ёшларнинг
I илмий-амалий конференцияси
материаллари
ТЎПЛАМИ


2017 йил 26 май

Тошкент

Саралланган
ўсимлик мевалари



Саралланмаган
тўйимли мевалари



Асалари бир дақиқала ундан ортиқ, бир кунда эса 72 мингга яқин гўза гулини чанглатишга кўмаклашади. Ўз вақтида яхши чангланиш эса ҳосилдорликнинг ошишида катта аҳамиятга эга. Бу айниқса, беда уруғи ҳосилини ўстиришда яққод сезилadi.

Республикамизда асаларичиликни ривожлантиришнинг ва уни озуқа билан таъминлашнинг яна бир йўли шундаки, чорвачилик учун такрорий экиладиган озуқабоп экинлардан ҳисобланган кузги раис ва перко каби сервитамин экинларни жавдар ўсимлиги билан бирга хўжаликларда бўшаб қолган ерларга экишни ташкил этишдир. Бу озуқабоп экинлар баҳорда чорва моллари учун жуда тўйимли ширани озуқа бўлиши билан бирга, асалариларнинг баҳорий ривожини ҳам жуда яхши гулшира ва гулчанги берувчи ўсимликлардан ҳисобланади. Шунингдек бугдоддан бўшаб қолган ерларга уч ойлик кунгабокар ўсимлиги навларини экиш ҳам ёз охирида асалари оиласини кўплаб гулчанги ва гул шираси билан таъминлаб, ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Фермер, дехкон хўжалиғи ва аҳоли хонадонларида асаларичиликни ташкил қилиш ва асаларилар ёрдамида чангланган ўсимликларнинг уруғ сифати, маҳсулот сифатлилиғи ва экспортқобилиғи ҳам юқори бўлиб қолмасдан уларнинг ҳосилига ҳосил қўшиш билан бир қаторда қўшимча даромад ҳам олиб келади.

Фойдаланилган адабнётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўрқин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргашиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришни таптанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Тошкент - Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Dr. Ali Korkmaz., Bal Arisi Polimasyonu, Samsun, Nisan 2015.
3. X. Хорн Вее о меде, производство, получение, экологическая чистота и сбор. МАСП, Аустрель, 2010.
4. N.Bradbear., Bees and their role in forest livelihoods A guide to the services provided by bees and the sustainable harvesting, processing and marketing of their products. Food And Agriculture Org. of The United Nations. 2009.

ҚОРА - ОЛА ЗОТИ БЎЙИЧА ВА ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАР ЕЛИНИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Магистр А.Хоъжиситов (ТДАН)
Илмий раҳбар А. Эсанов (ТДАН)

Республикада чорва моллари бош сонини кўнайтириш, уларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш билан аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига ошиб бораётган эҳтиёжини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, республикамиз чорвачилигида қорамолчилик энг етакчи ва асосий тармоқ бўлиб, чорвачилик маҳсулотларини асосий ҳисоб қилиб, табиқадан елинишни, унинг сифатли маҳсулот ривожлантириш, унинг салохиятидан янада гуллик фойдаланишни тақазо этади. Табиқийки, ушбу даврда бозор талабларига жавоб берувчи, юқори маҳсулдор зотлар бош сони кўнайиб, маҳсулдорлиғи насл бўлган зотлар бош сони қисқариб боради

Тадқиқотлар манбан бўлиб қора-ола зоти бўйича S ва голштин зоти бўйича S зотдорлиқдаги III ва ундан

юкори соғин даврларидаги сигирлар хизмат қилди.

I гуруҳга оналарининг жуфтлашдаги ёши 2,5-3 йилни (I лактация), оталарининг ёши 2-3 йилни, II гуруҳга оналарининг ёши 4-5 йилни (II лактация), оталарининг ёши 2-3 йилни ва III гуруҳга оналарининг ёши 5,5 ва ундан юкори (III ва ундан юкори лактация), оталарининг ёши 4-6 ёшни ташкил этган сигирлар танлаб олинди. Тажиба гуруҳларидаги сигирларни асраш ва боқиш бир хил шароитда бўлди.

Тадқиқотларда тажиба гуруҳларидаги сигирларни машинада соғиш талабларига жавоб бериш ва елинининг ривожланганлик даражасини баҳолашда уларнинг елин хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли тажиба гуруҳларидаги сигирларнинг елинининг морфофункционал кўрсаткичлари куйидаги жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Тажиба гуруҳларидаги сигирларни елин шакллари бўйича тахсирлангани, %

Гуруҳлар	Бош сони	Елин шакли		
		тоссимон	косасимон	думалок
I	15	20,0	53,33	26,67
II	15	33,33	46,67	20,0
III	15	60,0	33,33	6,67

Тадқиқотларимизда I гуруҳда 3 бош сигир тоссимон, 8 бош - косасимон ва 3 бош сигир эса думалок шаклдаги елинга эга бўлганлиги аниқланди. II гуруҳда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 5: 7 ва 3, III гуруҳда эса 9, 5 ва 1 бошни ташкил этди. Бу маълумотлар юкори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар гуруҳларида мақбул шаклдаги елинга эга сигирлар кўп учраганлигидан далолат беради.

2-жадвал

Тоссимон елин шаклига эга сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, кг

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Бош сони	3		5		9	
Сут миқдори	3978,3±69,1	2,46	4000,8±169,1	8,45	4030,2±58,3	4,09
Сут ёғи чикими	143,1±0,89	0,88	145,4±4,98	6,86	146,7±1,67	3,22
Сут оксиди чикими	129,8±1,49	1,62	132,3±4,67	7,06	132,7±1,56	3,34
4%-ли сут миқдори	257,2±22,1	6,98	274,1±1,21	6,82	267,2±11,2	3,21

2-жадвалдан кўринишича, тоссимон елин шаклига эга сигирларнинг сут маҳсулдорлигида сезиларли гуруҳлараро фарк кузатилмаган бўлсада, III гуруҳ сигирларининг лактация мобайнидаги сут маҳсулдорлиги I ва II гуруҳлардаги тенгқурлари кўрсаткичларидан тегишли равишда 51,9 ва 29,4 кг, сут ёғи чикими 3,6 ва 1,3 кг, сут оксиди чикими 2,9 ва 0,4 кг, 4%-ли сут миқдори 91,1 ва 31,2 кг юкори бўлди. I ва II гуруҳларда бу белгилар бир бирига яқин кўрсаткичлар билан ифодаланди.

3-жадвалда косасимон елин шаклига эга тажиба гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги келтирилади.

Ушбу жадвал маълумотлари тахлилининг кўрсатишича, III гуруҳ сигирларининг лактация давомидаги сут миқдори I ва II гуруҳлардаги сигирларникидан тегишли равишда 307,2 (P>0,999) ва 184,3 (P>0,99) кг, сут ёғи чикими 10,5 (P>0,999) ва 7,1 (P>0,99) кг, сут оксиди чикими 9,6 (P>0,999) ва 5,7 (P>0,99) кг, 4%-ли сут миқдори 262,5 (P>0,999) ва 177,7 (P>0,99) кг юкори бўлди.

3-жадвал

Косасимон елин шаклига эга сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, кг

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %	X±Sx	Cv, %
Бош сони	8		7		5	
Сут миқдори	3423,2±71,1	5,49	3546,1±53,7	3,71	3730,4±50,1	2,69
Сут ёғи чикими	126,6±2,39	4,99	130,0±1,76	3,32	137,1±1,75	2,56
Сут оксиди чикими	114,3±2,03	4,71	118,2±1,60	3,31	123,9±1,43	2,31
4%-ли сут миқдори	3165,6±59,7	4,99	3250,4±43,9	3,31	3428,1±44,2	2,58

Думалок елин шаклига эга сизирларнинг сут маҳсулдорлиги, кг

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%
Бош сони	4		3		1	
Сут миқдори	2994,2±102,4	5,92	3089,0±105,6	4,83	2921	-
Сут ёғи чикими	111,9±2,96	4,59	114,6±2,41	2,97	110,7	-
Сут оксиди чикими	101,6±2,55	4,35	103,5±2,11	2,88	100,2	-
4%-ли сут миқдори	2797,9±74,2	4,59	2865,8±60,5	2,98	2767,6	-

Ушбу жадвал маълумотларида думалок елин шаклидаги сизирларда сезиларли даражада гуруҳлараро фарк кузатилмади, лекин бу елин шаклига эга сизирларнинг сут маҳсулдорлиги тоссимон ва косасимон елин шаклларига эга сизирлар кўрсаткичларидан сезиларли даражада паст эканлиги кузатилди. Магалан, I гуруҳдаги тоссимон елин шаклига эга сизирларнинг лактация давомидаги сут миқдори ушбу гуруҳдаги косасимон ва думалок елин шаклларига эга тенгкурлариникидан тенгизли равишда 555,1 (P<0,999) ва 984,1 (P<0,999) кг, II гуруҳда бу кўрсаткичлар 454,7 (P>0,99) ва 911,8 (P>0,999) кг, III гуруҳда эса 299,8 (P>0,999) ва 941,2 (P>0,999) кг юқори бўлди.

II гуруҳ сизирларининг лактация давомидаги сут миқдори I гуруҳдаги тенгкурлариникидан 122,9 кг, сут ёғи чикими 3,9 кг, сут оксиди чикими 3,9 кг, 4%-ли сут миқдори 84,8 кг юқори бўлди.

Ушбу белгилар бўйича тажриба гуруҳларида ўзгарувчанлик коэффициенти бўйича катта фарк кузатилмади, бу эса ушбу белгилар бўйича тажриба гуруҳларида танлаш имкониятлари бир хил даражада эканлигидан далолат беради.

Тадақикотларимиз юқори сут маҳсулдорлигига эга III гуруҳ сизирларида елин ўлчамлари ва унинг функционал хусусиятлари III гуруҳ сизирларида I ва II гуруҳларидаги тенгкурлариникига нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлганлигини ҳам кўрсатди. Шунингдек сизирларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг елин шаклларига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди.

Анадабиётлар:

1. Аширов М.И. Технологические признаки черно-пестрого скота разного происхождения. Труды УзНИИЖ «Прогрессивные технологические приемы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных». Т., 1991, с. 21-29.
2. Айбашев М.К. Молочная продуктивность, качество молока и некоторые биологические особенности коров черно-пестрой породы и их помесей с голштинцами в условиях жаркого климата. Автореферат канд.дисс. Т., 1993, с. 9-22.
3. Близноченко А.Г., Гетья А.А. Структурные единицы породы и их генетические основы. Ж. «Зоотехния», №3, 2003, с. 9-11.
4. Прохоренко П., Амерханов Х. О. Мерах по стабилизации роста производства и реализации молока. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», №2, 2005, с. 2-4.
5. Труфанов В. Племенная ценность голштинских быков разных генотипов. Ж. «Молочное и мясное скотоводство», №5, 2005, с. 18-19.

МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЎЛГАН ТОВУҚЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Магистр: З.Тўлиганова (ТДАУ)
Илмий раҳбар: А.Ўсанов (ТДАУ)

Республикамизда чорвачилик кишлук хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом-ашё билан таъминлаш вазифасини бажаради. Мамалякатимиз аҳолисининг етарли миқдорда тўшт ва тўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш чорва хайвонларининг бош сонининг кўпайтириши, айниқиса уларнинг маҳсулдорлигининг оширишини таъкидлаш керак. Шу билан бирга чорва хайвонлари ва паррандаларининг янги юқори, кўрсаткичли, юқориқадарли фондларининг янги шаклида насликлик ишларини олиб бориш хайвон ва паррандалар маҳсулдорлигининг муваффақият билан ошириш имкониятини беради.

Юқоридаги муаммоларни ечиш учун мамлакат ҳукумати томонидан бир қатор қарор ва қарорлар қабул қилиниб, бунинг натижасида фермер ва ишбилармонлар учун барча шароитлар яратиб берилди. Айниқиса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қарор насликлик ишларининг такомиллаштириш, мавжуж жараёнини жадаллаштириш учун зарур моддий, молиявий, божхона имкониятларининг яратиб берилиши чорвачиликнинг барча соҳаларида хайвон ва паррандаларнинг маҳсулдорлигининг ошириш имкониятларининг очиб берди.^[1]